

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ДАРЁЛИҚ МАГИСТРАЛ КОЛЛЕКТОРИ ХИЗМАТ
КЎРСАТАДИГАН ХУДУДЛАРДА НАМУНАВИЙ ПИЛОТ
УЧАСТКАЛАРИДАГИ СУҒОРИШ ВА КОЛЛЕКТОР-ЗОВУР
ТАРМОҚЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ТЕХНИК КЎРСАТГИЧЛАРИ**

Турдибоев Ёркин Яхяевич

докторант

Айтмуратов Шингиз Малисович

Юлчиев Даврон Адхамжонович

мустақил татқиқотчи

АННОТАЦИЯ

Сувдан фойдаланишни таъминлашнинг бундай шакли ирригация-мелиорация тармоқларини эксплуатация қилиш сифатини яхшилайти ва сарф харажатларни камайтиради, сувдан оқилон ва тежамли фойдаланишни таъминловчи самарали механизмни яратади, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, фермер хўжалиқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ва даромадинини кўпайтириш имконини берди.

***Калит сўзлар:** сув, сувдан оқилон фойдаланиш, ирригация ва мелиорация, суғорма деҳқончилик, чора-тадбирлар, қишлоқ хўжалиги, Хоразм вилояти.*

АННОТАЦИЯ

Такая форма организации водопользования повышает качество работы ирригационно-мелиоративных сетей и снижает затраты, создает действенный механизм, обеспечивающий рациональное и экономное использование воды, что реализуется в последующие годы в условиях аграрной реформы, развития фермерских хозяйств, создание производственной и рыночной инфраструктуры, меры позволили сформировать на селе класс реальных собственников, увеличить объемы производства и поступления сельскохозяйственной продукции.


***Ключевые слова:** вода, рациональное водопользование, ирригация и мелиорация, орошаемое земледелие, мероприятия, земледелие, Хорезмская область.*



2-расм. Боғот тумани Зовур сувлари Озёрний коллекторига ташланади.

3. Урганч туманидаги “Дўрмон-ХI” фермер хўжалиги танланиб, Дўрмон-1 зовури ва Аташев коллектор оралиғида жойлашган. Дўрмон-1 зовури Аташев коллекторига қуйилади. Аташев коллектори Урганч туманидан оқиб ўтади ва Янгибозор тумани орқали Гурлан туманига оқиб ўтади. Гурлан туманида коллектор номи Диванқўл деб аталади. Диванқўл коллектори зах сувларини Дарёлик коллекторига ташлайди.





3-расм. Урганч тумани ирригация ва мелоратив объектлар харитаси

1. Вилоят бўйича хўжалик ички каналлардаги фойдали иш коэффиценти ўртача 0,71-0,72 ни, хўжаликлараро ва туманлараро каналларда 0,81-0,82 ни, магистрал каналларда 0,92-0,93 ни ташкил қилганлиги, суғориш тармоқларининг умумий фойдали иш коэффиценти 0,55-0,56 ни ташкил қилади.

2. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, сувни хўжалик ичида нотўғри тақсимлашда 3 – 6 %, суғориш тармоқларини тозаланмаслиги натижасида 6 –7 %, буғланиш ҳисобига 0,5 – 1,0 % ва асосийси шимилишга 15 – 20 % ва бошқа техник сабабларга кўра 2-5 % сув исроф бўлиши аниқланди.

3. Вилоят бўйича хўжалик ички коллектор-зовур тармоқларининг солиштирма узунлиги суғориладиган майдонларда - 25,4 п/м ни, зовурлар билан таъминланган майдонларда – 25,6 п/м ташкил этади. Зовур тармоқларининг умумий узунлиги эса – 10473,5 км ни ташкил қилиб, шундан 327,9 км магистрал (вилоятлараро), 527,6 км туманлараро, 2862,7 км хўжаликлараро ва 6755,2 км (шу жумладан 504,1 км ёпиқ-ётиқ зовурлар) кластерлар ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички зовурлардир.

4. Учинчи боб бўйича шуни айтиш мумкинки, Хоразм вилояти бўйича мавжуд суғориш тармоқларидан бўладиган исрофгарчиликлар катта ҳажмда. Бунинг натижасида зах қочириш тармоқларига бўладиган юклама ошади ҳамда йирик коллеторлар орқали вилоятдан чиқиб кетиши кузатилмоқда.

Хоразм вилоятида ер ости сувларининг сатҳи 1,0 м гача бўлган майдон 30,2 минг га (11,4 %), 1-1,5 метргача - 103,0 минг га (38,8 %), 1,5-2 метргача - 88,5 минг га (33,3 %) ва 2 метрдан пастда жойлашган майдон - 43,8 минг га (16,5 %)ни ташкил этади. Бу кузатувлар олиб борилаётган суғориладиган майдоннинг 80 фоизидан юқори.



4-расм куйдаги расимда Урганч туманидаги “Дўрмон-ХІ” фермер хўжалиги танланиб, ушбу фермер хожалигининг сизот сувлар сатҳи ўлчанмоқда

4. Вилоятда суғориладиган майдонинг 60% кам шўрланган, 29 % ўртача шўрланган ва 11 % кучли шўрланган майдонларни ташкил қилади.

5. Вилоятга суғориш учун жами олинган сувнинг 38-71 % и коллектор – зовур тармоқлари орқали чиқарилиб юборилади. Чиқарилиб юбориладиган сувнинг 33,2-42,7 % Республикалараро “Дарёлик” коллекторига ҳамда 49,1-56,2 % Республикалараро “Озёрний” коллекторига тўғри келади.

6. Республикалараро “Дарёлик” ва “Озерний” коллекторининг сув оқими режимини сўнгги 20 йиллик тахлили шуни кўрсатадики, асосан новеgetация

даврида, яъни тупроқ шўрларини ювиш даврида унинг оқими максимум (250 млн.м³) бўлиб, вегетация даврида ўртача 50-100 млн.м³ ни ташкил этади.

7. Республикалараро “Дарёлик” ва “Озерний” коллекторининг сув оқими режимини бошқариш учун:

- вегетация даврида сув тежамкор суғориш усулларини кенг қўллаш, эгатлаб суғоришда фаол қатламни сув билан таъминловчи илмий асосланган суғориш тартибларини жорий этиш, шўр ювиш учун сув сарфларини камайтириш мақсадида биологик бирикмалар, структура яратувчи полимерлар қўллаб, “ювувчи” суғориш тартибларини қўллаш;

- новегиетация даврида замонавий сув тежамкор шўр ювиш технологиялари: тупроқдаги тузларни сувда эрувчанлигини оширувчи биологик бирикмалар: “Биосольвент” ва “Суперсал”ларни қўллаш, “Такт”ли (зовурларни биринчи тактда тўсиб) ва б. шўр ювиш технологияларини қўллаш;

- суғорма дехқончиликда қўшимча манба сифатида коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш технологиялари, жумладан уларнинг минерализациясини биологик усулда пасайтириш биотехнологиясини кенг жорий қилиш маълум даражада самара беради.

ХУЛОСА

“Хоразм вилоятида коллектор-зовур сувлари шаклланишини камайтириш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишларининг 2021 йилда бажарилган қисми бўйича қуйидаги бирламчи хулосалар қилинди (сув тежамкор шўр ювиш ва суғориш ҳамда коллектор-зовур сувларидан суғоришда фойдаланиш технологияларининг коллектор-зовур сувларининг шаклланишига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар танланган 3 та пилот участкаларда 2022 йилда давом эттирилиши режалаштирилган):

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018-2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури» тўғрисидаги ПҚ-3405 сонли қарори.
2. Матякубов Б.Ш. Суғорма дехқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий асослари (Хоразм воҳаси мисолида) // к/х.ф.д., диссертация. Тошкент-2019, - 358 б.
3. Мирзажонов Қ. Тупроқ таркибининг экин ҳосили ва сифатига таъсири // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги., № 6. 2016. - 42 б.

-
4. Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения. Ташкент. СоюзНИХИ, 1981. - 322 с.
 5. Методики агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. Изд. 5-е доп. Ташкент. СоюзНИХИ, 1977. - 187 с.
 6. Методы агрофизических исследований почв Средней Азии. Ташкент. СоюзНИХИ, 1973. - 176 с.
 7. Нурматов Ш.Н., Мирзажонов Қ.М, Авлякулов А.Э, Безбородов Г.А, Ахмедов Ж.А, Тешаев Ш.Ж, Ниёзалиев Б.И, Холиқов Б.М, ва б. Шамсиев А.С таҳрири остида Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. ЎзПТИ, 2007. - 147 б.